

2-TOM, 5-SON

**РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИНИ
ТИКЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

Бурибеков Бобур Абдуғаффор ўғли
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
марказий девони катта офицери

Аннотация: Ушбу мақолада реабилитация қилинган айрим тоифадаги шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда суриштирув, тергов ва суд органлари амалиётида кузатилаётган камчиликлар, реабилитация қилинган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва хулосалар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: реабилитация, қарор, ҳарбий хизматчи, суд амалиёти.

Мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад судларда ишларни кўриш сифатини янада ошириш билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қила оладиган ягона тизимини шакллантиришдан иборатдир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек “Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, “Адолат йўқолган пайтда ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди”. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур. Судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим”. [1. – Б. 106]

Бугунги кунда судлар томонидан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари бу борада “...ҳалқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода адолат кўрғонига айлантиришимиз зарур” [2. – Б.457] дея судларга аниқ вазифаларни белгилаб берган.

Фуқароларнинг судларга бўлган ишончи йил сайин ортиб бораётганлигини ўз ҳуқуқларини айнан суд орқали ҳимоя қилишга интилаётганлигида кўришимиз мумкин. “Бош прокуратурага келиб тушган меҳнат қонунчилигининг бузилиши юзасидан ходимлар, шу билан бирга иш берувчилар томонидан қилинган



2-TOM, 5-SON

мурожаатлар сони 2018 йилда 89.469 та, 2019 йилда 88.535 та ҳамда 2020 йилда 64.365 тани ташкил этган”. [3. – Б.4]

Маълумки, барча ҳуқуқлар қатори фуқароларининг меҳнатга оид ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатини таъминлаш - бир томондан бу муносабатларнинг не чоғли тартибга солинганлиги билан, иккинчи томондан эса бундай ҳуқуқларни амалга оширишнинг реал имконияти билан белгиланади.

Бугунги кунда фуқароларимизнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини, айниқса реабилитация қилинган шахсларни ишга тиклаш билан боғлиқ ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган амалиёт бундай ҳуқуқларни ҳар доим ҳам тўла-тўқис таъминламоқда, дея олмаймиз. Бу борада амалиёт ва ёндашувларнинг хилма-хил эканлиги кишини ажаблантиради. Реабилитация қилинган шахснинг ҳуқуқларини тиклаш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 304-310-моддаларида [4] белгиланишича, суднинг ажрими, терговчи ёки прокурорнинг қарори асосида амалга оширилади.

Демак, юқоридаги моддалар мазмунига кўра шахсни реабилитация қилиш тўғрисида тегишли вертикал чиқарган суд реабилитация қилинган шахснинг ҳуқуқларини тиклаши лозим бўлади. Бинобарин, Жиноят-процессуал кодексининг 311-моддасига асосан реабилитация қилинган шахснинг ҳуқуқлари билан бир қаторда уни меҳнатга оид ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги талаби қаноатлантирилмаган бўлса ёхуд у қабул қилинган қарордан норози бўлса тегишли талаб билан даъво ишини юритиш тартибида судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Аммо, мазкур қонун нормасида реабилитация қилинган шахснинг меҳнатга оид ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ талаби айнан қайси давлат органи ёки мансабдор шахси томонидан қаноатлантирилмаган ҳолларда даъво ишини юритиш тартибида судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги аниқ белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “2019 йил ва 2020 йил 9 ойи давомида реабилитация билан боғлиқ ишга тиклаш, иш ҳақи, моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётини умумлаштириш натижалари ҳақида”ги РС-54-20-сонли Раёсат қарорида ...фуқаролик ишлари бўйича республика судлари томонидан реабилитация этилган шахснинг ҳуқуқларини тиклаш ва етказилган мулкий зиённи қоплаш Жиноят-процессуал кодексининг 304-313-моддаларида назарда тутилган тартибда реабилитация тўғрисида қарор чиқарган суд, прокурор ёки терговчининг ажрими ёхуд қарори асосида амалга оширилиши



2-TOM, 5-SON

лозимлиги қайд этилган бўлсада, аммо ишлар асосан фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриб чиқиб ҳал этилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 111-моддасида [5] меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозим, деб белгиланганлиги сабабли реабилитация қилинган шахслар ишга тиклаш масаласида аксарият ҳолларда фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилишмоқда. Аммо бундай тоифадаги ишларни фуқаролик ишлари бўйича судлар айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси нормаларига таяниб ҳал этса, бошқа ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси нормалари асосида ҳал этаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги [6] қонунининг 17-моддаси, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги [7] қонунининг 34-моддаси, “Миллий гвардия тўғрисида”ги [8] қонунининг 22-моддаларига асосан мазкур идораларнинг хизматчилари реабилитация асослари бўйича ишга тиклаш масаласида судга мурожаат этишга ҳақли эканликлари назарда тутилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги [9] қонунининг 36-моддасида меҳнат низолари юқори турувчи органлар томонидан ҳал қилинишига оид тартиб мустаҳкамлаб қўйилган. Албатта бундай ҳолда суд амалиётида турли хил ёндашувлар бўлиши табиий.

Фикримизча, меҳнат низоларини кўриб ҳал этишда суд амалиётида бир хил ёндашувнинг мавжуд эмаслигига таъсир кўрсатувчи биринчи омил бу қонун ҳужжатларининг такомиллашмаганлиги бўлса, иккинчи омил бу ваколатли органлар томонидан судларга у ёки бу нормани қўллашга оид батафсил тушунтиришлар берилмаганлиги, учинчи омил бу меҳнат, жиноят-процессуал ва бошқа ҳуқуқ фани соҳасидаги тадқиқотларнинг ҳаётдан орқада қолаётганлиги ва тўртинчи омил бўлиб қонунчилик ташаббускорлиги ҳуқуқи субъектларининг масалани ечимига оид таклифларни киритмаётганликлари бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда биринчи навбатда реабилитация қилинган шахслар, айниқса реабилитация қилинган ҳарбий хизматчи ва ходимларни ишга тиклаш билан боғлиқ суд амалиётида ягона ёндашувга эришиш мақсадида аввало мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини унификациялаш, шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг “Реабилитация қилинган шахсларнинг



2-TOM, 5-SON

хуқуқларини тиклаш тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш ҳам ушбу муносабатларни тартибга солишда ўз самарасини беради деб ўйлаймиз.

ИҚТИБОСЛАР:

1. Ш.М.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон Стратегияси”. Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ, 2021. – Б. 106.

2. Ш.М.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. 1-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 457.

3. Л.У.Раҳимқулова Яқка меҳнат низоларини кўриб, ҳал этиш тартиби. Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.:2021. – Б. 4.

4. <https://lex.uz/docs/111460>.

5. <https://lex.uz/docs/142859>.

6. <https://lex.uz/docs/67566>.

7. <https://lex.uz/docs/3027843>.

8. <https://lex.uz/docs/5128310>.

9. <https://lex.uz/docs/3610935>.

